Ушбу сонда:

2 *«Ишонч» фош этади* ХЎЖАСИЗЛИК

3 *Газетхон илтимосига кўра* КАСБ-ҲУНАРЛИ ЁШЛАР

4 *Касаба уюшма спорти* МИЛЛИЙ КУРАШ: ҒАЛАБА НАШИДАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 18 апрел, чоршанба №59 (1073)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда аҳолига комунал хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини бозор муносабатларига ўтказишга доир анча ишлар амалга оширилди. Зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилди - Уй-жой кодекси, «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида», «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонунлар ва бошқалар қабул қилинди.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш Концепцияси ҳамда бозор механизмларини жорий этишга қаратилган тегишли минтақавий комплекс дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тугатилди ва унинг негизида «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ташкил этилди. Худудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ихтиёрига берилди. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва ўзини ўзи бошқариш жамоатчилик органлари - Уй-жой эгалари кенгашлари шакллантирилмоқда.

Сув, газ ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олувчи асбобларни ишлаб чиқариш ташкил қилинди, уларни кўп хонали уй-жой биноларига ўрнатиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ислоҳ қилиш жараёнлари ва кўрсатилаёгган хизматлар сифати ҳамон пастлигича қолмоқда. Одамларнинг эҳтиёжларига тўраларча кўпол муносабатда бўлиш ҳоллари барҳам берилмаяпти. Хизмат кўрсатишнинг бозор меъёрларига ўтиш борасидаги ишлар суст олиб борилмоқда. Сарф-харажатларни камайтириш бўйича амалда ҳеч нарса қилинаётгани йўқ. Коммунал хизматларга тарифларнинг оширилиши кўрсатилаётган хизматлар турини тегишли равишда кенгайтириш ва энг муҳими, уларнинг сифатини ошириш билан бирга кўшиб олиб борилмаётганлигини қониқарли деб ҳисоблаб бўлмайди. Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган ходимларнинг меҳнатини рағбатлантириш учун деярли ҳеч нарса қилинаётгани йўқ.

Коммунал хизматлар ҳақи ўз вақтида тўланиши учун коллектив жавобгарлик тизимини татбиқ этиш бўйича тўпланган тажриба суст оммалаштирилмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари - Уй-жой эгалари кенгашларини ташкил этиш жараёни кўпинча юзаки амалга оширилмоқда. Янгидан тузилган ширкатлар айланма маблағлар билан таъминланмаяпти, уларга қайта қуриш ва таъминлаш ишларини ўтказиш учун зарур кредитлар ажратиб берилмаяпти. Уларнинг фаолияти аниқ белгилаб қўйилмаган. Жойларда коммунал хизмат кўрсатишни ўзини ўзи қоплашга ўтказиш ва бюджетдан дотацияларни қисқартириш бўйича белгиланган топшириқлар бажарилмаяпти.

Истеъмолчиларнинг тўлов интизоми пастлигича қолмоқда, ресурслар сарфининг ҳисобга олиниши зарур даражада таъминланмаяпти, тармоқдаги бир қатор корхоналар ва ташкилотларнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда, бу эса таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида ўтказиш, янги технологияларни жорий этиш имкониятларини чеклаб қўймоқда.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиққан ҳолда:

1. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини ислоҳ қилиш ва уни бозор шарт-шароитларига ўтказиш борасида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ҳукуматнинг тегишли қарорларида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг иши қониқарсиз деб ҳисоблансин.

Андижон, Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Марғилон шаҳарларида, шунингдек Қоракўл, Гиждувон, Нарпай, Шаҳрихон, Ўртачирчиқ ва Янгийўл туманларида коммунал соҳани ислоҳ қилиш борасидаги ишлар айниқса ёмон ташкил қилинган.

Ҳукумат (Ў.Султонов) кўрсатиб ўтилган вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда вужудга келган ишларнинг аҳволига принципиал баҳо бериб, бу ишларни ташкил этишни яхшилаш бўйича аниқ-равшан чоралар кўрсин.

2. Аҳолига кўрсатилаётган марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти хизматларини белгиланган мудддатларда ўзини ўзи қоплашга босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг таклифлари маъқуллансин.

Марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти хизматларининг мутаносиб бўлиши ҳамда уни босқичма-босқич ўзини ўзи қоплашга ўтказиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши учун шахсан жавобгарлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Молия вазири огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси кўрсатмалар қандай бажарилаётганлигини йилнинг ҳар чорагида кўриб чиқсин ва аниқ шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида таклифлар киритсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари бир ой муддатда уй-жой мулкдорлари ширкатлари - Уй-жой эгалари кенгашларини шакллантириш чора-тадбирлари комплекси ва жадвалларини, шунингдек уларга кредитлар ҳамда спонсорлик (ҳомийлик) маблағлари бериш ҳисобига айланма маблағларни тўлдириш манбаларини излаб топиш, зарур омборхоналарни бериш билан боғлиқ ҳамда бошқа ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, тасдиқласинлар.

Бажарилган ишлар тўғрисида 2001 йилнинг 1 июнига қадар Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этилсин.

Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш Концепциясини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Ў.Султонов) уй-жой мулкдорлари ширкатларини шакллантириш борасида тасдиқланган чора-тадбирлар ва жадвалларнинг бажарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, коммунал хизматлар кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар коммунал хизматларга аҳолидан маблағларни йиғишда кўмаклашиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (маҳалла қўмитаси) билан ёки уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан шартномалар тузишлари мумкин.

Коммунал хизматлар ҳақи аҳоли томонидан ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўланишини таъминлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини (маҳалла қўмиталарини) ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш мақсадида шу нарса белгилаб қўйилсинки, коммунал хизматлар учун жорий тўловлар бўйича тушумлар режаси 100 фоиз бажарилган тақдирда хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига (маҳалла қўмиталарига) ёки уй-жой мулкдорлари ширкатларига (шартномалар ким билан тузилганига қараб) тушган тўловлар суммасининг 10 фоизи миқдорида ажратмалар берилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла қўмиталари) ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари - Уй-жой эгалари кенгашлари ушбу маблағлардан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ходимларини рағбатлантиришга, уй-жой коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича мавжуд қарзларни тўлаш, шу жумладан хизматлар ҳақини тўлашда кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, шунингдек уй-жой биноларини таъмирлаш, маҳаллалар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларни, уй-жой мулкдорлари ширкатига бириктирилган ҳудудларни ободонлаштириш борасидаги ишларни ўтказишда қатъиян мақсадли фойдаланишни таъминласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тегишли идоралар билан биргаликда аҳоли томонидан коммунал хизматлар ҳақининг ўз вақтида ва тўла миқдорда тўланишини таъминлаш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уй-жой мулкдорлари ширкатларини рағбатлантириш Тартибини ўн кун муддатда ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

5. Уй-жой-коммунал хизматларга сарф-харажатларни камайтириш мақсадида коммунал (газ таъминоти, иссиқ сув таъминоти, марказий иситиш, сув таъминоти, канализация, санитариявий тозалаш каби) хизматларни кўрсатувчи ҳамда фойдаланиш хизматини амалга оширувчи корхоналар учун рентабелликнинг чекланган даражаси 10 фоиз миқдорида белгилансин.

Уй-жойлардан фойдаланиш ҳамда коммунал хизматларнинг нархлари ва тарифларини тасдиқлаш ёки кейинчалик қайта кўриб чиқиш вақтида оширилган нархлар ва тарифларнинг 10 фоизи коммунал хизмат кўрсатувчи ва уй-жойлардан фойдаланиш хизматини амалга оширувчи корхоналарнинг ўз даромадлари ҳисобидан қопланиши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тегишли идоралар билан биргаликда бир ой муддатда рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш ҳамда уй-жойлардан фойдаланиш ва коммунал хизмат кўрсатиш нархлари ҳамда тарифларини тасдиқлаш (ёки қайта кўриб чиқиш) тартибини ишлаб чиқиб, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарига етказиб берсин.

6. Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар бериладиган шахслар тоифаларининг рўйхати тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларининг айрим Қоидалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ўн кун муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан ҳукумат қарорини қабул қилсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг уй-жой-коммунал соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи амалдаги қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 17 апрел

Шаҳрисабз азалдан қўли гул ҳунармандлар, зардўзлар ва мохир тўқувчилар шаҳри. Қадимий Кешда тайёрланган хилма-хил махсулотлар жаҳон кўргазмаларида ўз ўрнига эга. Буюк Ипак йўлида жойлашган бу бахаво шаҳарда енгил саноат йил сайин ривожланяпти.

ШАҲРИСАБЗ:

«ОҚСАРОЙ ТЎҚИМАЧИСИ»

Ўзбек-Турк-Япон қўшма корхонаси бунёд этилмоқда

«Садо» ҳиссадорлик жамияти мустақиллик йилларида ташкил топган енгил саноат корхоналаридан бири. Бу ерда трикотаж кийимлари ишлаб чиқарилиб, республиканинг савдо тармоқларига жўнатилмоқда.

Корхона 1994 йилда ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Бу эса фаолиятни кенгайтириш имконини берди. Истеъмол бозоридаги талаблар ҳисобга олиниб, маҳсулот тури 5 тага кўпайди. Жамоада 350 нафар касаба уюшма аъзоси бўлиб, улар тўқув, бичув ва тикувчилик цехларида меҳнат қилишмоқда.

Асқар Бобоқулов, Сарвар Алиқулов, Бахтиёр Пардаев, Салима Норбобоева, Шавкат Сафаров каби тажрибали мутахассислар раҳбарлик қилаётган цехларда юқори кўрсаткичга эришилмоқда.

Бўёқчи Равшан Жабборов, тўқувчи ва тикувчилар Олмахон Чориева, Нодира Санаева, Лобар Мирзаева, Лола Султонова, Дилафруз Жабборова сингари илғорларнинг самарали меҳнатлари туфайли йил бошидан буён 2 миллион 400 минг дона сифатли трикотаж маҳсулотлари буюртмачиларга юборилди.

— Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашни маъмурият билан тузилган жамоа шартномаси асосида олиб бораяпмиз, — дейди ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Жаҳонгир Раҳмонов. — Масалан, биринчи чоракда ишловчилар тушлиги учун 757830 сўм ажратилди. Фарзанд кўрган оилаларнинг ҳар бирига 32 минг сўмлик чақалоқлар кийимлари ҳадя қилинди. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Истиқлол шарофати билан ҳиссадорлик жамияти негизида умумий қиймати 66 миллион АҚШ доллари миқдорида Ўзбек-Турк-Япон қўшма корхонаси бунёд этилмоқда. «Оқсарой тўқимачиси» деб номланадиган ушбу корхона йилига 4800 тонна экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Шундан 2800 тоннасини юқори сифатли ип калаваси, 2000 тоннасини трикотаж буюмлари ташкил этади.

Аслида қўшма корхона 1996 йил 30 декабрда ташкил этилган. Ўшанда унинг низом жамғармаси 25 минг АҚШ доллари миқдорида белгиланган эди. Акцияларнинг 49 фоизи «Садо» ҳиссадорлик жамияти, 3,49 фоизи Японияннинг «Мицубиси» корпорацияси, 42,6 фоизи эса Туркиянинг «Бурсел» фирмасига тегишли эди.

Ҳукуматимиз қарори билан 1998 йилда «Оқсарой тўқимачиси» қўшма корхонаси низом жамғармасининг миқдори кўпайтирилди.

Унинг қурилиши учун Японияннинг Халқаро Ҳамкорлик банки катта миқдорда кредит ажратди. Халқаро тендерда ғолиб чиққан Туркиянинг «Бурсел» фирмаси бош пудратчи сифатида иштирок этмоқда. 35 нафар туркиялик мутахассис, 200 нафардан ортиқ шу ерлик қурувчилар шу кечаю-кундузда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Металл қурилмалари ва панеллар Финландиядан келтирилмоқда. Ҳавони тозалаш тизими Швейцариянинг «Луа» фирмаси томонидан монтаж қилиняпти.

«Оқсарой тўқимачи»си ЛТД қўшма корхонаси ва Туркиянинг «Бурсел текстиль» фирмаси ўртасида тузилган фючерс шартномасига асосан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳаммаси чет элларда сотилади.

Уч мамлакат ҳамкорлигида ташкил топаётган қўшма корхона тўлиқ ишга тушгач, 400 кишини иш билан таъминлаш имконияти яратилади.

Н.ҲИКМАТОВ.

БЕЛБОҒЛИЛАР БЕЛ ОЛИШДИ

Ўзбекистон туманидаги «Наврўз» ўйингоҳида 1984-85 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида «Белбоғли кураш» бўйича республика биринчилиги ниҳоясига етди. Унда Андижон, Наманган, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келган 150 нафарга яқин полвон 11 вазн тоифасида ўзаро куч синашди.

Енгил вазнли полвонлар ўртасидаги беллашувда фарғоналик М.Музаффаровга тенг келадигани топилмади. Андижонлик Носир Холиқов, Алишер Алижонов, Камолиддин Бойматов, Омонулла Маматқулов, фарғоналик Азиз Зокиров, Отабек Ҳамидов, Аброр Исоҳқов, наманганлик Музаффар Мирзажонов, Саъдулла Дадажонов, Мансур Сотволдиев ҳам ўз вазн тоифасида бошқа тенқурларидан устун эканлигини намойиш қилди.

(ЎзА).



Намангандаги «Нотўқимачи» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб тобора ортиб бормоқда. Ўз касбининг усталари томонидан тайёрланаётган матолар халқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Бу ерда 400 нафардан ортиқ хотин-қиз фаолият юритади. Улар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Корхона цехлари ёруғ, замонавий дастгоҳлар кўзни қувонтиради. Эътиборлиси шуки, ойлик маош кўпайиб бормоқда.

Ҳиссадорлик жамиятида жорий йил биринчи чорак натижалари чакки бўлмади. Режада белгиланганидан анча кўп, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бунда Саодат Фозилова, Соҳиба Хожихонова, Дилором Хўжаева, Гўзал Абдуллаева, Дилбар Асқарова (суратда) каби ишчиларнинг муносиб ҳиссаси бор.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

ОҚСИЛНИНГ ЙЎЛИ ТЎСИЛМОҚДА

Жиззах вилояти Шимолдан Қозоғистон, Жанубдан Тожикистон билан чегарадош. Шу боис бир қатор ғарб давлатларида кенг тарқалган, шунингдек, Марказий Осиёнинг мамлакатимиз билан чегарадош республикаларида бир неча бор қайд этилган оқсил касаллиги жиззахликларни ҳам жиддий чора-тадбирлар кўришга даъват этмоқда.

- Вилоятимизда эпизоотия, яъни ҳайвонларда юқумли касалликларнинг кенг тарқалишига қарши кураш самарали ўтказилишини назорат қилувчи махсус ишчи гуруҳи тузилган,- дейди Жиззах вилоят Давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи Нурпўлат Тўрабоев. - Ишчи гуруҳи бу борада амалга оширилаётган ишларни мунтазам таҳлил қилиб бормоқда. Бундан ташқари, вилоятда 7 та назорат пости фаолият кўрсатяпти. Уларнинг иккитаси Тожикистон билан чегарадош Янгиобод туманида ва биттаси Навоий вилояти билан чегарадош Фориш тумани ҳудудида жойлаштирилган.

Бу назорат постларида дезобарьерлар ўрнатилган бўлиб, чегарадан ўтаётган ҳар бир одам, транспорт воситалари касаллик вирусини ўзи билан илаштириб олиб кирмаслиги учун дезинфекция қилинмоқда. Чорва моллари, гўшт ва сут маҳсулотлари олиб кириш тақиқланган.

(ЎзА).

ҚУВОНЧ УЛАШГАН ОНЛАР

Ангрен шаҳар маданият ходимлари касаба уюшма қўмитасининг маданий-маърифий тадбирларни амалга ошириш борасидаги иш тажрибасидан

Бугун Ангренга ташриф буюрган одам борки, ислоҳотлар туфайли рўй бераётган ўзгаришлардан ҳайратга тушади. Шаҳарнинг озода кўчалари-ю боғ-роғлари дилингизга ажиб бир хушнудлик бахш этади. Бу ерда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг ўзаро дўстона муносабатларини кўриб, дунёда меҳр-оқибат устунлигига амин бўласиз.

Ангрен шаҳар маданият ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Юрий Югай билан учрашганимизда у мустақиллик йилларида рўй берган қувончли ўзгаришлар, энг оммавий жамоат ташкилоти амалга ошираётган хайрли тадбирлар билан танишишга таклиф этди. Дастлаб Алишер Навоий номидаги маданият марказида бўлдик. Қарангки, шу куни мактаб ўқувчилари учун катта концерт дастури ўтказилаётган экан. 580 ўринга эга бўлган катта зал ёшлар билан лиқ тўла. Марказ директори Шокир Миржалиловнинг қувончи чексиз.

— Ўқувчиларнинг қизиқишини қаранг, — дейди у биз билан суҳбатда,- айрим жойларда бундай тадбирларга керак бўлса мажбурий равишда олиб боришаётганликларини эшитганмиз. Биз эса улар билан бевосита мулоқотда бўламиз, қизиқишларини ўрганиб ишларимизни шунга қараб ташкиллаштирамиз. Ундан ташқари марказда 22 та тўгарак бўлиб, уларда 1052 нафар ўғил-қиз хунар ўрганмоқда. Тўгаракларни ташкил этишда ҳам ёшларнинг интилишларини инобатга оламиз. Ўтказилган кўрик-танловда тўгарагимиз аъзоси Азиза Абдуллаева вокал йўналиши бўйича республика танловига йўлланма олди.

Саройдаги барча тўгараклар керакли анжомлар билан жиҳозланган. Яқинда мусиқа маркази, минидиск ва бошқа замонавий аппаратлар сотиб олинди. Шаҳар хокимлигининг қўллаб қувватлаши натижасида мақтанса арзигулик муваффақиятларга эришилмоқда. Ўтган йили «Ўзбекистон Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловида Анвар Тошматов фахрли 1- ўринни эгаллади.

Шаҳардаги кам таъминланган оилаларни, ногиронлар, болалар уйи тарбияланувчиларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида хайрия тадбирлари ўтказилмоқда. Ҳарбий қисмлар билан ҳам доимий алоқа йўлга қўйилган. Уларга ҳар ойда камида бир марта дам олиш концерт дастури намойиш этилади. Йироқдаги бўлинмаларга гастроллар уюштирилмоқда.

— Ҳарбий қисмлар аскарлари ўртасида «Аскар қўшиқлари» танловини ўтказиб турамиз, — дейди марказ директори. Улар орасида ҳам иқтидорлилар кўп. Бундан ташқари саройимизда «Кукиевлар» оилавий дастаси, республикада машҳур «Шанс-шоу» миллий рақс халқ дастаси, «Тарона» ёш ҳаваскор қўшиқчи ва созандалар уюшмаси фаолият кўрсатмоқда. Яна «Фахрийлар», қозоқ миллатига мансуб талаба-ўқувчилар гуруҳини тузиш ҳам режамизда бор.

Дарҳақиқат, Ангренда турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Маданият Марказида уларнинг истаклари инобатга олиниб, амалга оширилаётган ишлардан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Зеро, санъат халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамловчи воситадир.

Жойларда бўлганимизда ёшларнинг китоб дўконлари, кутубхоналарга интилишлари кучлилигини сезамиз. Айнан шу масала билан атрофлича қизиқдик. Гулбаҳор Сафарова бошчилик қилаётган марказий кутубхона ўқув залида кўплаб ёшлар мутолаа билан машғул.

— Кутубхонамизда жами 692757 дона турли хил адабиётлар мавжуд, — дейди Г.Сафарова. — Аъзоларимиз сони 40065 нафарга етди. Биз ўқувчилар таклифи асосида тунги пуллик хизматни йўлга қўйдик. Бундан ташқари жамоамиз турли тадбирларни амалга оширмоқда. Масалан, «Оналар ва болалар» йилига бағишлаб феврал ойида касаба уюшмаси ва ҳуқуқшунослар билан ҳамкорликда «Аёлларнинг ҳуқуқ ва бурчлари» ҳамда миллий анъана ва удумлар ҳақида суҳбатлар ўтказдик. Ҳар ойнинг иккинчи чоршанбасида тизимимизда фаолият кўрсатаётган касаба уюшмалари аъзолари учун семинарлар ташкил этганмиз. Улар учун кутубхонада махсус хона ажратилган.

Ёшларнинг дам олиши учун А.Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи ёзги мавсумга яхши тайёрланди. Айни кунларда сўлим маскан намунали фаолият кўрсатаяпти. Унда спортни ривожлантириш мақсадида замонавий бассейн ишга туширилмоқда. Мўъжазгина ҳайвонот боғини ташкил этиш ҳаракати ҳам бошлаб юборилган. Ҳа, Ангренда нимаики ишлар амалга оширилаётган бўлса, ҳаммаси ёшларнинг ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишишларига хизмат қилмоқда.

Назира АКБАРОВА,
Тошкент вилояти маданият ходимлари касаба уюшмалари раислари Кенгашининг раиси.

Хайрулло АБДУЛЛАЕВ,
«Ишонч» мухбири.

КУН ТАРТИБИДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигини таъминлаш сифат ва самарадорлик гаровидир. Чунки, хавфсиз, ҳар томонлама қулай шарт-шароитда фаолият кўрсатиш кишининг хотиржамлигини таъминлаш билан бирга уни маънан юксалтириб, руҳан бардамлаштиради, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлайди. Бу вазифалар касаба уюшмаларининг асосий фаолият мезонларидан бири ҳисобланади. Шу боис, Тошкент шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси томонидан тармоқ ташкилотлари ўртасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қарорига мувофиқ «Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги» масалаларига бағишланган кўрик-танлов ўтказилди.

Унда тизимдаги барча ташкилот ва муассасалардаги меҳнат шароитлари, ўқув бинолари, талабалар уйлари, мактаблардаги меҳнат дарси ўтиладиган хоналарнинг аҳволи, уларнинг жиҳозланиши, техник жиҳатдан тайёргарлик, меҳнат муҳофазасига оид чора-тадбирларнинг қай даражада ташкил этилганлиги текширилди. Танлов жараёнида маъмурият ва касаба уюшма қўмиталарининг меҳнат хавфсизлиги бўйича комиссияси хулосасига кўра Тошкент Давлат Юридик институти жамоаси ғолиб деб топилди.

Яқинда ушбу институтда Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшма қўмитасининг шу мавзуга бағишланган семинари бўлиб ўтди. Унда кўрик-танловда иштирок этган барча ташкилот ва муассасалар касаба уюшма қўмитаси раислари, ўқув юртларининг маъмурий хўжалик ишлари бўйича проректорлари иштирок этдилар. Улар ғолиб жамоа тажрибасини ўрганиш мақсадида олийгоҳнинг барча бинолари, талабалар уйларини кўздан кечирдилар. Институт проректори, танловда маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси меҳнат хавфсизлиги бўйича комиссиясига раислик қилган Т.Мирзаев уларни амалий тажрибалари билан таништирди.

— Барча ўқув биноларимиз, аудиториялар-

Ибрат

нинг умумий таъмирдан чиқарилганлиги, замонавий мебел ва жиҳозлар, компьютерлар билан таъминланганлиги, масофадан бошқариш тизимига ўтилганлиги муваффақиятимиз омили бўлди, — дейди Тошкент Давлат Юридик институти ректори Ҳалим Бобоев. — Ўқув кутубхоналаримиз БМТ ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, халқаро тизим жараёнлари талабларига жавоб беради. Шунингдек, профессор-ўқитувчиларимиз, техник ходимларимизни ижтимоий-иқтисодий муҳофазалаш мақсадида ойлик маошларига 50-100 фоизгача қўшимча тўловлар, йўл чипталари билан таъминламоқдамиз. Бу рағбатлар уларнинг ўз ишларига сидқидилдан ёндошиб, ҳар бир соат дарсни намунали ташкил этишлари сари ундамоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, институт талабалар уйи ҳам таъмирдан чиқарилиб, ҳар бир хона юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган. Шунингдек, вилоятлардан келиб таълим олаётган ўғил-қизларнинг ўқиш ва ижод қилишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида дам олиш, дарс тайёрлаш, маънавият ва маърифат, спорт, даволаниш хоналари фаолият кўрсатмоқда. Талабаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча даромад манбалари изланиб, имкониятлардан келиб чиққан ҳолда талабалар уйида 30 ўринли меҳмонхона ташкил этилди. Ўтган йили меҳмонхона 2 миллион сўмга яқин даромад келтирди.

Ҳозирда институт ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш мақсадида Тошкент вилоятининг Назарбек қишлоғидан катта ер майдони олди. Бу ерда мебел ишлаб чиқариш корхонасини қуриш режалаштирилмоқда. Ушбу ҳаракат институт моддий-техник негизини мустаҳкамлаш имконини беради.

Семинар сўнггида Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшма қўмитаси жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этганлиги учун Тошкент Давлат юридик институти проректори Т.Мирзаевни Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғаси билан тақдирлади.

М. ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

Касаба уюшма тадбирлари

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТГА АМАЛИЙ ЁРДАМ

Билимдон ва малакали мутахассислар раҳбарлик қилган ташкилотларда иш кўнгилдагидек кетади. Лекин касаба уюшма қуйи ташкилотларида раислар ва фаолларнинг баъзиларида соҳа бўйича билим ва тажриба етишмаслиги ҳам бор гап. Улар касаба уюшмаларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва кафолатларидан тўла хабардор эмаслар. Жамоатчилик асосида ишловчи ёки янги сайланган фаоллар билан суҳбатлашганда, бу ҳол яққол сезилади. Шунинг учун улардаги ҳуқуқий саводхонликни ошириш жуда муҳим. Шуни эътиборга олиб, биз йиллик ҳаракат дастурига янги банд киритдик. Унга биноан йилда икки марта барча жабҳаларни ўз ичига олувчи мавзуларда фаоллар ўқувини ўтказиш режалаштирилди.

Ўқув машғулотларни вилоят касаба уюшмалари кенгаши, тармоқ қўмитаси мутахассислари, юқори малакали ҳуқуқшунослар, молия, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармалари ходимлари олиб боради. Дарсларни мазмунли, қизиқарли, юқори савияда ўтказишда тармоқ марказий қўмитаси ходимлари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Машғулотлар ҳар бир шаҳар ва туманда ташкил этилган. Иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазаларини эркин баён этиши, бошланғич ташкилот иши билан яқиндан танишиш, тажриба алмашишлари учун барча қулайликлар яратилди.

Андижон, Асака, Хонобод шаҳарлари, Избоскан, Шаҳрихон, Марҳамат туманларида ўқув-семинарлар айниқса қизиқарли ўтди. Унда тармоқ касаба уюшма Марказий қўмитаси меҳнат ҳуқуқ нозири ҳамда вилоят касаба уюшмалари кенгаши ходимлари фаол иштирок этиб, бой тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Вилоят тармоқ қўмитаси раҳбари ва мутахассислари жойларга бориб, қуйи бўғинларда бўлиб амалий ёрдам кўрсатяптилар. Тушумларнинг боришини ўрганяптилар, касаба уюшма аъзолари билан суҳбатлар уюштирмоқдалар.

Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришда қувончли натижаларга эришишда муҳим омил бўлмоқда.

А.АБДУРАҲМОНОВ,
Андижон вилояти давлат муассасалари ва жамоат ташкилотлари ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.



— Ишлаб чиқаришда замонавий хориж технологиясини қўллаш иш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини яхшилади, - дейди Яккабоғдаги «Г-Зиё-Нур» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси директори Зиёд Ғуломов.

Айни кунда Германия технологияси асосида ишлайдиган бу корхонада 5 турдаги макарон, 9 турдаги қандолат маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Суратларда: илғор қандолатпазлар Фазилат Худойқулова, Фурқат Камолов ва Нигора Аҳмедова; оператор Баҳодир Ибрагимов корхона фахри.

Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

ТАХИАТОШ ХИЁБОНИ

Тахиатош шаҳрида яқинда очилган «Она-бола» хиёбони қисқа фурсатда меҳнаткашларнинг севимли дам олиш масканига айланди. Бунда тадбиркор Каржобой Ўрозбоевнинг ҳиссаси катта бўлди.

Гап шундаки, Тахиатош шаҳри барпо этилгандан буён ўтган ярим асрда шу ерда яшаб, астойдил меҳнат қилиб келаётган Каржобой оға бундан беш йил олдин шаҳар ҳудудидаги ташландиқ ярим гектар майдонни ўзлаштириб, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экишга киришган эди. Тиниб-тинчимас инсон томонидан экилган ярим минг туп мевали дарахтлар бу орада ҳосилга кирди. 1 минг 200 туп манзарали дарахтлар эса кўрган кўзни қувонтиради.

Қ.Ўрозбоев бу йил яна бир ташаббус билан чиқди. Унинг таклифига кўра, янги боғ ҳудудида спорт анжомлари билан жиҳозланган хиёбон ташкил этилди. Шаҳар ҳокимлигининг қарорига биноан унга «Она ва бола» хиёбони деган ном берилди.

ЧИҚИНДИДАН МАҲСУЛОТ

Қўқондаги «Обидхон» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси ёғоч елимлари тайёрлашни йўлга қўйди. Асосан чарм маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган фирма шу пайтгача чиқиндиларни ташлаб юборар эди.

Энди эса маҳаллий усталар ясаган дастгоҳлар ёрдамида қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган чиқитдан бозоргир маҳсулот - ёғоч елими тайёрланмоқда. Янги маҳсулот ёғочсозлик тармоқлари, мебелсозлик ва уй-жойларни пардозлаш, деворларга ишлов беришда жуда қўл келади. Дастлабки маҳсулот харидорларга манзур бўлди.

(ЎзА).

САВОБЛИ ИШЛАР

Республика «Наврўз» жамғармасининг Қашқадарё вилоят бўлими кам даромадли оилалар ва ногиронларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Яқинда жамғарма раиси Низом ҳожи Бегматов ташаббуси билан зилзиладан зарар кўрган Қамаши ва Ғузор туманларидаги кам даромадли оилаларга 5 тонна ун ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди.

— Жамғармамиз томонидан ногиронларга 1 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулотлар ҳадя қилдик, — дейди Н.Бегматов. — Хайрли ишни бундан кейин ҳам давом эттирамиз.

Халқаро «Каунтерпарт интернешил» халқаро ташкилоти Қашқадарёдаги кам таъминланган оилаларга 102 минг АҚШ доллари миқдорида инсонпарварлик ёрдами кўрсатди.

Турли кийим-кечак уй-рўзғор буюмларидан иборат бу инсонпарварлик ёрдами вилоятдаги Меҳр-мурувват, «Меҳрибонлик», «Саховат» уйлари, ногиронлар, ёлғиз қариялар ва кам таъминланган оилаларга топширилди.

«Ишонч» фош этади

ХЎЖАСИЗЛИК

Чорток туманида Алихон қишлоғи бор. Табиати сўлим, жаннатмакон маскан. Одамлари меҳнатсевар, тадбиркор. Унумли ишлаш учун шароит бўлса бас, тошлоқ ерда деҳқончилик қилиш ҳам қўлларидан келади. Бахтга қарши, қишлоқда амалга оширилаётган ишлар, эришилаётган натижалар кўнгилдагидек эмас. Муаммолар ҳам талайгина. Ишсизлар сони камаймаётганлиги жонкуяр кишиларни ўйлантирмоқда.

Алихонда бирон-бир саноат корхонаси йўқ. Мутасаддилар янги иш ўринлари яратиш хусусида негадир жиддий бош қотиришмаяпти. Саккиз минг нафар аҳоли хонадонларига зангори олов келтирилишини сабрсизлик билан кутмоқда. Тоза ичимлик суви қувурлари 1976 йилда ётқизилганди. Бироқ, икки йилдирки, жўмраклардан оби ҳаёт оқмай қўйди. Бир вақтлар бунёд этилган мўъжазгина ҳаммом ва чойхона одамлар корига яраб келарди. Кейинчалик янги ҳаммом қурилди-ю, эскиси бутунлай қаровсиз қолди. Кўп ўтмай, унинг қозонларигача ташмалаб кетишди. Янги ҳаммом эса кўп ишламай, «фаолиятини» тўхтатди. Сабаби, қайсидир тадбиркор яхши ниият билан уни шарбат тайёрлайдиган цехга айлантирди. Кишилар: ҳар ҳолда ўттизга яқин одам ишли бўлди, деб хурсанд бўлиб турганларида, ҳеч қанча вақт ўтмай цех ҳам ёпилди. Вақт ўтиши билан ҳаммом анжомларидан ҳеч вақо қолмади. Ҳатто оқава сув тўпланадиган ҳовуз бетонлари ҳам қаергадир «ғойиб» бўлди.

Қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви масаласида тегишли ташкилотларга мурожаат қилавергач, туманнинг мутасадди раҳбарлари энг осон, лекин ўта нотўғри йўлни танлашди. Улар хўжаликнинг қир ён бағридаги анча вақтдан буён яхшигина даромад келтираётган 8 гектарлик ёнғоқзорни суғориб турган қувурларни кесиб, келтириб ўрнатишди. Бахтга қарши, сув чиқмади. Икки ўртада ёнғоқзордан ҳам путур кетди...

«Ўзбекистон» ширкат хўжалигида ишлар тобора орқага кетмоқда. Бир вақтлар кўпнинг ҳавасини келтирадиган бўрдоқи қўйлар сони кескин қаҳайё этилса бўлгани. Ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашгани боис, мўлжалдаги ҳосилни олиш қийинлашиб бормоқда. Қишлоқ оқшомлари зерикарли. Баъзан оддий телевизорни тузатиш учун район марказига боришга тўғри келади.

Хўжалик раҳбарлари тадбиркорликка кенг йўл берилган, дея таъкидлашади. Бироқ, ташаббускорлар фаолиятига муносабат кишини ўйлантириб қўймоқда. Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътиборни қаратайлик. Шу қишлоқлик Абдураҳим Пўлатов хўжаликнинг Қорақир деган ерига 7,5 минг туп терак, 4,5 минг туп мевали дарахт кўчатлари экиб, 4 гектарлик боғ яратди. Миришкор ойлар мобайнида сидқидилдан тер тўкди. Иккита бульдозерда ер текислаб, суғориш учун 500 метрга қувур торттирди. Икки йилда боғ анча кўзга ташланиб қолди. Меҳнатининг роҳатини кўраман деганида...

— Кутилмаганда бетоб бўлиб икки ой шифохонада даволандим, - дейди Абдураҳим ака. - Касалхонадан чиқишим билан боғ томон ошиқдим. Не кўз билан кўрайки, қувурлар кесиб олинган, кўчатлар суғуриб кетилган эди. Оила аъзоларим билан қанчалик уринмай, боғни қайта яшнатишнинг иложини қилолмадим.

Яна бир воқеа. Фарҳод Жавлонов 1999 йилда хўжалик билан шартнома тузиб, оилавий пудрат асосида 10 гектар ерда ғалла парваришлади. У режадаги гектаридан 20 центнер ўрнига бор-йўғи 5 центнердан ҳосил йиғиштириб олди. Аммо, хўжалик пудратчига нисбатан даъво кўтара олмади. Сабаби, шартнома шартлари аввало хўжалик томонидан бузилганди. Пудратчига амалий ёрдам кўрсатилмади. У ўғитдан, техникадан қийналди. Қизиғи шундаки, орадан маълум вақт ўтиб, ушбу хўжалик хазиначиси Ф.Жавлоновга 12562 сўм қарздор эканлигини маълум қилди. Суриштирса, қарзнинг анчагина қисми иссиқ овқат учун экан.

— Тушликни ўз ёнимиздан навбати билан қилганмиз. Бизга ҳеч қандай озиқ-овқат маҳсулоти берилмаган, - дейди у. Бу гапни бошқа пудратчилар ҳам тасдиқлашди. Равшанки, ширкатда ҳар бир ижарачи қўлига чек дафтари берилиши керак. «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида эса негадир буни унутиб қўйишган.

Юқорида Қора қир деган жой ҳақида сўз юритгандик. Чинданам, бу маскан баланд қирлардан иборат. Ён-атроф ўзлаштирилиб 66 гектар узумзор, тутзор, теракзор, хуллас, жами 288 гектар экинзор вужудга келтирилганди. Яхши ниият билан қилинган иш ўлда-жўлда қолмоқда. Сабаби, хўжасизлик оқибатида катта масофадаги сув қувурлари йўқ қилиб юборилди. Кўпчилик ҳақли саволни кўндаланг қўймоқда: Алихонда ўзгариш бўладими? Хўжасизлик, ўзибўларчилик қачон барҳам топади, аҳоли ичимлик суви, табиий газдан баҳраманд бўладими?

С.ОЛИМОВ.

ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...

«АНГЛА ЗИЙРАК ҚУШ АНИКИМ...»

Даҳр боғи аро кўп истамагил айшу тараб
Ким, ғули шуълайи ғам, ғунчасидур хори тааб.

Сунбули ришталарин риштайи мақсуд дема
Ким, кўнгуллар қуши домиға эрур барча сабаб.

Ариғи ичра ушоқ тоши агар инжу эрур,
Тойири умрунг учун донаву су топти лақаб.

Англа зийрак қуш аниким, кўрубон мундоқ дом,
Бўлмағай теграсида обхўру дона талаб.

Дона еб, ҳосил этиб фазла, нажас айламагай
Боғ саҳнини, риоят қилибон тарки адаб.

Ё бўлуб домға муҳкам топа олмай махлас,
Урунуб, толпинибон айламагай шўру шағаб.

Чун Навоий кўзи боғлиқ қуш эрур олам аро,
Бу чамандин анга учмоғни насиб эт, ё Раб!

Дунёга ортиқча меҳр қўйиш инсонни Ҳақ йўлдан оздиради, Парвардигоридан бегоналашиб, тубанлашувига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам сўфиёна адабиётда дунё кўпинча нозу ишва билан ошиқларини йўлдан урадиган, лекин ҳеч кимга вафо қилмайдиган хиёнаткор маъшуқага ўхшатилади; паранжи-чачвон ичида гўёки сарвқад ва гўзал кўринадиган, аслида эса қадди букчайган, тишлари тўкилган қари кампирга қиёсланади, талабгорларини сеҳру жоду билан тузоққа тушириб, ўз йўриғига юргизадиган, хоҳлаган куйига соладиган жодугар, алвасти, зол, ажуза қиёфаларида тасвирланади. Барча ёмонлик, ёлғон, риё тимсоли бўлганлиги учун ҳам Алишер навоий бошқа бир ғазалида дунёни исломдаги ҳар тўрттала мазҳаб билан уч талоқ қўйганлигини айтган эди:

Даҳр золин тўрт мазҳаб бирла қилдим уч талоқ,
Фард қилди бори мундоқ кадхудолиқдин мени.

Навоийнинг фалсафий қарашларини ўз ичига олувчи орифона ғазаллари жумласига кирувчи мазкур ғазалда ҳам дунёнинг ёмонликлари хусусида сўз боради, унга кўнгил бермасликка, дунё тўрларидан қутулишга даъват қилинади:

Даҳр боғи аро кўп истамагил айшу тараб
Ким, ғули шуълайи ғам, ғунчасидур хори тааб.

Мазмуни: «Бу дунё боғида кўп ҳам айшу тарабга берилма: унинг кўзларингни яшнатувчи гуллари аслида ғам шуъласи, қалбингга қувонч бағишловчи ғунчалари машаққат тиканидир».

Бунда ўйин-кулги, ҳою ҳавасга берилиб, азиз умрни беҳуда ўтказмасликка даъват мавжуд. Зеро, Оллоҳ ҳузурида инсон ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳар айтган сўзи учун ҳисоб беради. Умрини дунё боғида айшу ишратда ўтказган кимсаларнинг қалбини қиёматда бу «гул»лар ғам ўтига айланиб куйдиради, бағрига бу «ғунча»лар машаққат тикани бўлиб санчилади.

Қуйидаги байтда эса дунё маъшуқа кўринишида гавдалантирилмоқда:

Сунбули ришталарин риштайи мақсуд дема
Ким, кўнгуллар қуши домиға эрур барча сабаб.

«Дунё отлиғ маъшуқа зулфининг торларини мақсадга етказадиган восита бўлиб алданма, — деб огоҳлантиради шоир, —

уларнинг ҳар бири аслида кўнгиллар қушини овлаш учун бир тузоқдир».

Соч — тасаввуф шеъриятида моддий дунё тимсоли бўлиб келади. Унинг узунлиги — дунёвий ҳою ҳавасларнинг чек-чегарасизлигига, қалинлиги — тирикчилик ташвишларининг сон-саноқсизлигига, ҳалқалиги — нафс бандалари кўнглини овлаш учун тузоққа, қоралиги — ўзига эргашганнинг қисматини қора қилишга қиёсланади. Сочнинг илонга, аждарга ўхшатилиши ҳам унинг айни маънода дунёга нисбати борлигидан келиб чиққан. Мумтоз шеъриятда кўп учратадиганимиз — зулф асири бўлган кўнгилларнинг маъшуқа кулгичи чоҳига тушганликлари ҳақидаги ташбеҳлар ҳам шундан далолат беради.

Ариғи ичра ушоқ тоши агар инжу эрур,
Тойири умрунг учун донаву су топти лақаб.

Яъни: «Бу дунё ариғи ичидаги майда тошчалар агарда дур бўлганида ҳам алданмаки, улар умринг қушини овлашга мўлжалланган сув ва доналардир».

Диққат қилсангиз, ғазалда дунё ўқувчи кўз ўнгида овчи сифатида гавдалантирилаяпти. Бу овчининг оддий овчидан фарқи шундаки, у одамларни овлайди: тузоғини ёяди — лаззатларини ваъда қилади; суву дона сочади — неъматларини кўз-кўз этади. Лекин зийрак қуш суву донага алданмайди, унинг ортида тузоқ борлигини англайди:

Бу дунёнинг ҳар бир лаззати, ҳар бир неъмати бир тузоқ. Бу тузоққа тушмаслик учун киши нақшбандиянинг «Назар бар қадам» қоидасида асослаб берилгани каби ҳар бир қадамини ўйлаб босиши, ўз хатти-ҳаракатини муттасил назорат қилиб бориши керак.

«Калила ва Димна» асарида дунёга кўнгил берган кишининг қисматини Барзуя ҳаким қутурган туядан қочиб қутулмоқчи бўлган бир одамнинг аҳволига ўхшатади: у нажот илинжида «жар устига эгилган икки шохга осилиб, жар ёқасига оёқ қўяди, лекин оёғи остидаги индан тўртта илон бош чиқариб тургани кўзига чалинади, жарнинг остига назар ташласа, у ерда бир аждаҳо оғзини очиб, унинг тушишини кутиб турганлигини, юқорига қараса, оқ ва қора сичқонлар у осилиб турган шохларни тўхтовсиз кемираётганликларини кўради. Бу аҳволдан қутулиш йўлини ўйлаб турганида ундан нарироқда бир асалари уясига кўзи тушади, бармоғини болга ботириб ялай кетади, болнинг ширинлиги унинг бошини шу даражада айлантирадики, натижада, у ўзининг қандай аҳволда эканлигини унутади, оёқларини тўрт илоннинг бошига қўйганлиги ва бу илонлар ҳар онда чақиб олишлари мумкинлиги, сичқонлар шохларни албатта кемириб синдиришлари, шохлар синса, у аждаҳо домига тушиши муқаррарлиги хаёлидан кўтарилади. Жаҳолат пардаси ақл нурини тўсиб қўяди, оз фурсат ўтмай, жарга қулаб ҳалок бўлади.

Мен даҳшатли, чуқур жар деб бу дунёни назарда тутаман. Шохларни кемирган оқ ва қора сичқонлар — кеча ва кундуздир. Уларнинг ҳар иккаласи инсонларнинг умрини озайтириш, ҳалок этиш учун узлуксиз бир-бирини алмаштириб туради; тўрт илон — борлиқнинг моҳиятини ташкил этган тўрт унсурдир; буларнинг бирортаси ўз мувозанатини йўқотса, инсон дарҳол маҳв бўлиб кетади; бол — азоби кўп, фойдаси кам бўлган, одамларни тўғри йўлдан оздириб, уларга нажот дарвозаларини бекитган фоний дунё лаззатларидир; аждаҳо — ҳеч ким қочиб қутула олмайдиган ўлимдир».

Чун Навоий кўзи боғлиқ қуш эрур олам аро,
Бу чамандин анга учмоғни насиб эт, ё Раб!

Мазкур ғазал «Хазойин ул-маоний»нинг иккинчи китоби — «Наводир уш-шабоб» девонига киритилган. Маълум бўладики, у шоирнинг йигитлик даврида яратилган. Бу даврда дунё неъматларига алданиш хавфи кўпроқ бўлади.

«Макорим ул-аҳлоқ»да келтирилишича, йигитлик палласида Навоий риёзатга бел боғлаб, узлатга чекинади, халқ суҳбатидан қўл тортиб, машҳур Суҳайл хонақосида ибодатга берилади. Иттифоқо, шу даврда унинг болаликдаги дўсти Ҳусайн Бойқаро Ҳиротда ҳокимиятни қўлга киритиб, уни давлатни идора этиш ишларига таклиф этади. «Ҳидоят йўлидаги Амирнинг шариф хотири фақр ва фано йўлини тутишга мойил бўлганликдан ҳарчанд бу машғулотга киришишдан бош тортса ҳам Султони соҳибқирон қисташни орттираберди...». Лекин Навоийнинг мартаба ва нуфузи орта борса-да, у сира кибру ҳавога берилмади. Аксинча, ўз хулқини тарбиялаш, ҳокисорлик ва тавозеъни ҳадди аълосига етказиш пайидан бўлди. Бу ҳақда Хондамир шундай ёзади: «Ҳар қачон подшоҳи соҳибқирондан ўз ҳолига бирин-кетин иноят ва марҳамат кўрган сари хилват жойга борар, бош ялангочлаб, бир миқдор тупроқни бош устига сочар ва азиз нафсга ундаб айтардики, дунё мартаба ва ҳашаматларининг эътибори йўқ, зинҳор бу мартабаларнинг қўлга киритишини худбинлик ва такаббурга сабабчи қилма: ўзингни тупроққа тенг тутиб, мумкин қадар фуқаро ва мискинлар ишини ҳал қилишга урин».

Дарҳақиқат, Навоийдаги мартаба ва обрў-эътибор билан кибру ғурурга берилиб кетмаслик, дунё деган нозанин қучоқ очиб, йўлини тўсиб, қўлидан тортиб турганда унинг ёлғончи нозу ишвасига учмай, пок қолишнинг ўзи бўлмайди.

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди.

Газетхон илтимосига кўра

Истиқлол неъматларидан баҳра олиб, яшаётган ёшларимизни хорижга юбориб, касб-ҳунар эгаллашларига имкон яратиш мамлакатимиз иқтисодини юксалтириш омилларидандир.

Бухоро вилоят ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси бошлиғи Илҳом АМОНОВ билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

КАСБ-ҲУНАРЛИ ЁШЛАР

— Мен биринчи навбатда чет элда касб ўрганиш ва ишлаш истагида бўлган азиз юртдошларимизга қарата шундай деган бўлардим: сиз иккиланмай туман ёхуд шаҳар меҳнат бўлимига учрашинг. Фақат шу ташкилотгина сизга ишончли, ҳам кафолатли ҳамкор бўла олади.

Ҳар бир идорада рўйхатга олиш дафтари юритилади. Унда номзоднинг қачон рўйхатга олингани қайд этилади. Сиз кўлингизга берилган тартиб рақами ифода этилган маълумотномани олгач, навбатингиз келишини кутасиз. Бўлимга ариза, ҳарбий гувоҳноманинг кўчирма нусхаси ҳамда соғлиғингиз ҳақида тиббий маълумотнома тақдим этишингиз шарт. Кўргазма тахтасидан бу ҳақда батафсил маълумот олишингиз мумкин. Рўйхатга олиш дафтарига ўзгартиришлар ёхуд тузатишлар киритиш қатъиян ман этилади.

— Кейинги босқич қандай кечади?

— Тегишли ҳужжатлар вилоят идораларо комиссияга ҳавола этилади. Ажратилган квота асосида комиссия ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб чиққач, қарор қабул қилади.

Фуқароларни ривожланган мамлакатларга ишлашга юборишнинг фойдали томонлари кўп. Энг аввало, у ёшларимизда ишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиради. Қолаверса, уларни меҳнат қонунларига қатъий риоя этган ҳолда ишлашга ўргатади. Юқори малакага эга бўлиб қайтган мутахассис ўз билим ва тажрибасини ишга солиб, вазифасига масъулият билан ёндошиб меҳнат қилишга интилади. У замонавий технологик жараёнлар олдида эсанкираб қолмайди. Бой малака ва тажриба асосида меҳнат унумдорлигини ошириб боришга ҳаракат қилади. Мамлакатда меҳнат бозорининг ривож топиб, ишсизлик даражаси маълум миқдорда камайиши учун ҳам бу йўл фойдалидир.

— Ҳозир вилоятдан неча киши чет элларда ишлаб турибди?

— Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги Республика Меҳнаткаш муҳожирлар ишлари бўйича ваколатхонаси тавсиясига кўра вилоятимиздан 400 га яқин фуқаро Жанубий Корея Республикасида ишлашга юборилган. Уларнинг бир қисми белгиланган муддатни ўтаб, қайтиб келди. Бултур яна 35 нафар фуқаро хорижга ишга кетди. Жорий йилда бу кўрсаткич ошиши кўзда тутилган.

— Номзодларни танлов асосида ўзга давлатга ишга юбориш юзасидан ишлаб чиқилган Низомга киритилган ўзгартиришлар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Собиқ Меҳнат вазирлигининг 2000 йил 26 декабрдаги ҳайъат қарорига асосан, меҳнат бўлимида рўйхатга олиниб, туман, вилоят идораларо комиссиясидан ўтган номзодлар ваколатхонадан чақириқ қоғозини олгач, ўз ҳисоб рақамидаги маблағни унинг ҳисоб рақамига кафолат сифатида ўтказишлари зарур. Шундан сўнг барча ҳужжатлар Республика идораларо комиссиясига тақдим этилади. Ушбу комиссияда тасдиқланган ҳужжатлар чет эллардаги иш берувчиларга узатилади. Уларнинг танлови асосида ҳар бир номзодга чақирув визалари келади. Визани олганлар Республика ўқув марказига чақириладилар. Бу ерда 15-20 кун давомида ўша давлат тили, удумлари, тарихи ҳамда техника хавфсизлиги юзасидан сабоқ оладилар. Сўнгра белгиланган манзилга юбориладилар.

Республикамиз фуқароларини чет элларга ишлашга юбориш фақатгина Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан унинг жойлардаги тизимлари орқали амалга оширилади.

Суҳбатдош:
Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ

Қарши Давлат университетида Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш маркази ташкил этилди. Унда Қомусимизнинг моҳияти ва мазмунини очиб берувчи адабиётлар, ҳар хил кўргазмали воситалар жамланган. Марказ университет талабаларининг ҳуқуқий билимларини ошириш билан бирга вилоятдаги барча таълим муассасаларига илмий-услубий ёрдам беришни ҳам ўз зиммасига олган.

Конституцияни ўрганиш марказининг очилиш маросимида Инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий маркази раҳбари А.Саидов қатнашди. Шу куни марказда биринчи илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

Сурхондарё хозирча ягона устоз ва шогирдлар уйи Деновда фаолият кўрсатяпди. Аслида бу борада ташаббус билан чиққан Денов туман халқ таълими бўлими бўлди.

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР УЙИ

Бўлим раҳбарияти С.Отабоев номли жамоа хўжалигига қарашли бўлган клубни ижарага олиб қайтадан таъмирлашди. Шу тариқа устоз ва шогирдлар уйи мажмуаси вужудга келди. Мажмуадан ўрин олган «Маънавият ва маърифат» хонаси алоҳида ўрин эгаллайди. Хонага жозиба киритиб турган фидоий, кекса устозларнинг ҳаёт йўли, илғор тажрибалари акс эттирилган турли кўргазмалар бу ерга келган шогирдлар қалбидаги ўчмас хотира бўлиб қолади, албатта.

— Устоз ва шогирдлар анъанаси бугун пайдо бўлаётгани йўқ, - деди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С.Иноятова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Деновликлар бошлаб берган устоз ва шогирдлар уйини ташкил этиш ташаббуси ҳар икки орадаги яқинликни янада мустаҳкамлайди.

«Туркистон-пресс».



Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Салом менинг азиз дугоналарим,
Азизим, лобарим, ёварим қизлар,
Эй, тоза қалбимнинг оппоқлари,
Юрагим иқтоми севарим қизлар!

Зулфия.

КАСАБАҚЎМ МАДАДИ

Яқинда Шаҳрихон тумани касаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгаши яна бир савоб ишга қўл урди. Оналар ва болалар йили муносабати билан тумандаги кам таъминланган оилаларнинг 216 нафар ўғил болаларининг суннат тўйлари ўтказилди.

— Тўй болаларга 100 минг сўмлик кийим-кечак ҳадя этдик, — дейди касабақўм раиси В.Саъдуллаев. — Бундан ташқари ҳар бир болага 2 минг сўм миқдоридаги омонат дафтарчалари топширилди.

Ушбу тўйга касабақўм 300 минг сўм маблағ ажратган бўлса, туман ҳокимлиги ва ташкилотлари ҳам ўз тўёналари билан қатнашишди. Тўйдан нафақат болаларнинг балки отаоналарнинг ҳам қувончлари чексиз бўлди.

З.ШАХОБИДДИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Зарпечак деган ёввойи ўт бор. Уни девпечак деб ҳам аташади. У шундай балои қазо ўтки, бошқа ўсимликлар сингари ерга томир отмайди, яъни истеъмол қиладиган озуқасини заминдан олмайди, балки бошқа ўт-ўланларнинг, айниқса маданий экинларнинг танасига қанадай ёпишиб, бўғма илондай ўраб олиб, ширасини сўриб яшайди. Ёпишган кўкатининг умрини хазон қилиш билан ўзи ҳам қуриб кетса қанийди, йўқ, «кўл» чўзиб, ёнидаги ўсимликнинг ҳам томоғидан олади.

Бекорчидан Худо безор

ЗАРПЕЧАК

Ёрбоши қишлоқлик бир отахон ҳалол меҳнатдан бўйин товлаган, бировлар ҳисобига яшаб келаётган, боз устига одамлар умри ва соғлиғига зомин бўлаётган баъзи кимсаларни зарпечакка ўхшатади.

— Давлатимиз ёшларнинг билим олиши, ҳунарли бўлиши, ҳалол меҳнат билан шуғулланиб, ўз қобилиятлари ва салоҳиятларини намойиш этишлари учун барча шарт-шароитни яратиб қўйган бўлсаю, уларнинг баъзилари ношукурлик қилиб, меҳнатдан бўйин товлашса, ичкиликбозлик қилишса уларни зарпечак демай, нима дейиш мумкин?!

Андижон шаҳар, Сой кўчасидаги 155-уйда яшаган Фарҳод Тўхтасинов болаликдан кўчага ўрганиб, ўрта мактабни ярим йўлда ташлаб кетди. Бу ерда танишлари Салоҳиддин Қозоқов билан Қаҳрамон Қозоқовларни учратиб қолишди.

— Йигитнинг гули чой ичмайди, ака! Чиқаринг анови зормондадан! Меҳмон қиласизми бизни, йўқми?

Салоҳиддин уларнинг ниятини фаҳмлаб, қарзга пиво олиб келди. Аралашган спиртли ичимлик икковининг ақлу ҳушини алғов-далғов қилди. Фарҳод пиво билангина сийланганини баҳона қилиб, дағдаға қилишга тушди.

— Ташқарига чиқ, гаплашамиз!

— Қўй, ука, биз ҳозиргина ишдан қайтиб, ҳордиқ чиқариб ўтирибмиз.

Лекин Фарҳод билан Абдуназарни энди қайтариб бўлмасди. Ҳашпаш дегунча муштлар ишга тушди. Кайфи ошиб кетган Фарҳод ўзини кўрсатмоқчи бўлиб, ёнидан пичоқ чиқардида Салоҳиддиннинг қорнига бир-икки санчиб олди...

Фарҳод жуфтакни ростлаб қолди. Бироқ, қочиб қаёққа ҳам борарди. Қонун унинг қилмишига яраша жазо белгилади.

Салоҳиддин бир ойдан ортиқ жон талашиб ётди, ота-она ва болачақаси бу вақт давомида жон ҳовучлаб юрдилар, бор-будлари дори-дармонга кетди. Шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун тиним билмадилар. Яхши одамларнинг жабрланувчини зудлик билан шифохонага етказиб келганликлари эвазигагина тузатиб бўлмас фожеанинг олди олинди. Шундай бўлса-да, Салоҳиддин энди аввалгидек Андижон туман машинатрактор паркининг илғор ҳайдовчиси сифатида ишини давом эттиролмайди. Чунки у энди ногирон...

— Кўрдингизми? — дейди отахон ҳикоясини тугатиб, — ишёқмас, такасалтанг безорини зарпечакка ўхшатганимнинг сабаби шундан. Бундай кимсалар фақат ўзларигагина эмас, ўзгаларга ҳам кулфат келтирадилар.

Муҳаммаджон АДБУКАРИМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Назм бўстонида

МУҲАББАТ

Маҳбубларинг йиғласа йиғлар,
Мағлубларинг йиғласа йиғлар,
Мансубларинг йиғласа йиғлар,
Фақат, сен йиғлама, муҳаббат.

Ҳаваслардан мудом устун бўл,
Нокаслардан мудом устун бўл,
Пасткашлардан мудом устун бўл,
Фақат, сен йиғлама, муҳаббат.

Бебошларга инонма зинҳор,
Ғўр ёшларга инонма зинҳор,
Сирдошларга инонма зинҳор,
Фақат, сен йиғлама, муҳаббат.

Билмам, қанча қисматларинг бор,
Ғаним қасди, туҳматлари бор,
Қўрқма, содиқ Исматларинг бор,
Фақат, сен йиғлама, муҳаббат.

ЎЖАР ҚИЗҒА

Йигит зўр-тойдай эди,
Зилол сув, сойдай эди,
Сен билан бойдай эди,
Айтгил, нени кўзладинг,
Энди нега бўзладинг?!

Севиб қолиб сен қизни —
Олмоқ бўлди юлдузни,
Кеча қилдинг кундузни,
Айтгил, нени кўзладинг,
Энди нега бўзладинг?!

Ишқингда хор бўлди-ку,
Висолга зор бўлди-ку,
Кенг жаҳон тор бўлди-ку,
Айтгил, нени кўзладинг,
Энди нега бўзладинг?!

У деб, бу деб чувладинг,
Совчисини қувладинг,
Кетиб қолгач, увладинг,
Айтгил, нени кўзладинг,
Энди нега бўзладинг?!

Шундоқ йигит ёқмасдан,
Ўтдинг қиё боқмасдан,
Ундан зўрин топмассан,
Айтгил, нени кўзладинг,
Энди нега бўзладинг?!

Исматулла МАМАНОВ.

ОҚТЎНЛИ ҚИШЛОҒИДАГИ КЎПРИК

Чироқчи туманидаги Оқтўнли қишлоғида яшовчи Сайдулла Хуррамов хожатбарор кишилардан. Бу саховатпеша инсон Бобур номли ўрта мактаб ўқувчиларининг ёғингарчилик кунларида қишлоқнинг қоқ ўртасидан оқиб ўтувчи анҳордан кечиб ўтишга мажбур бўлаётганлигини кўриб, кўприк қуриш тўғрисида ўйлаб юрар эди.

Яқинда у ўз сўзининг устидан чиқди, анҳор устида мўъжазгина кўприк қуриб битказилди. Сайдулла аканинг бу ҳиммати-дан қишлоқ аҳли ва айниқса мактаб ўқувчилари беҳад мамнун бўлишди.

Б. БОБОРАҲМАТОВ.

Юлдуз УСМОНОВА: «ХАЛҚОНА ҚЎШИҚЛАРНИ СОҒИНАМАН»

Таниқли хонанда «Бунча гўзал бу ҳаёт» деб номланган янги концерт дастурини намойиш этиш олдидан журналистлар билан учрашув ўтказди.

— Атрофга боқинг, ҳаёт ҳақиқатан ҳам гўзал. Ҳаётнинг қувончлари-ю, ғамташвишлари биз билан доимо ёнма-ён, — деди Юлдуз Усмонова Миллий матбуот марказида журналистларнинг саволларига жавоб бериб. — Жаннатмакон юртда яшаймиз. Олма, узумни ўз қўлимиз билан узиб еймиз. Тоққа чиқсак ёнимизда зилол сув шарқираб оқиб туради. Шуларнинг барини қўшиққа солишни истайман. Янги дастуримда миллий қўшиқларга кўпроқ эътибор беришга ҳаракат қилдим. Чунки кўнгил халқона қўшиқларга ташна.

Кейинги пайтларда Сайёра Тўйчиева, Шарифа Салимова, Маҳмуд Тоиров каби шоирлар билан ҳамкорликда ижод қиляпман. Халқнинг қулоғига нима ёқади — шуни куйлайман. Қўшиқларим орқали одамларнинг қувончи-ю, қайғуларига шерик бўлгим келади.

— Матбуотда гап кўп, — таъкидлади Ю.Усмонова, — қўшиқчини элга танитишда журналистларнинг хизмати катта. бироқ гоҳида эндигина битта-иккита қўшиқ айтиб изланаётган бошловчини керагидан ортиқ даражада кўтар-кўтар қилиб мақтаб юборилади. Орадан уч-тўрт йил ўтиб ҳалиги ҳаваскор кўринмай қолади. Қарабсизки, фалончи қўшиқчининг ижоди тўхтаб қолди, деб афсус-надомат чекиб ўтирамиз. Аслида қўшиқчи учун халқ эътиборидан катта унвон йўқ. У ўз ижоди билан мухлислари юрагидан жой олмас экан, санъат деб аталмиш даргоҳга кириб боролмайди.

«Туркистон-пресс»

«Авесто»нинг 2700 йиллиги олдидан

ЖЎМАРД ГОВАМАРТМИ?

Зардуштийликнинг нодир китоби «Авесто»даги образлар, воқеалар асрлар давомида оғзаки ҳамда ёзма ижодиётда муайян из қолдирди ва турлича талқин этилди. Шундай образлардан бири Говамарт бўлиб, у Каюмарс номи билан машҳурдир. Алишер Навоий «Каюмарс» сўзининг маъносини «хаййи нотиқ» (сўзловчи вужуд) деб тушунтиради ва Ажам мулкининг тарихи унинг набираси Хушамдан бошланган, деб эътироф этади. Қадим тасаввурларга кўра, Говамарт ер юзида яратилган биринчи инсон бўлиб, танаси ҳўкиз ва одамдан ташкил топган. Унинг жасадидан турли ўсимлик, ҳайвон ҳамда металл пайдо бўлган эмиш. Шунингдек, Каюмарсни характерлайдиган бошқа хусусиятлар ҳам учрайди.

Жумладан, Беруний-нинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида унинг Ахриман билан олишуви ва ҳалокати тасвирланса, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»-сида у кишилар учун шаҳарлар бунёд этган шоҳ сифатида гавдаланади.

Каюмарс образига оид ҳикоятлар айниқса «Авесто» ватани бўлмиш Хоразмда кўп учрайди. Говамарт воҳада Жўмард номи билан аталади. Афсоналарда таъкидланишича, Жўмард воҳадаги Думшуқ шаҳрида туғилган бўлиб, Амударё («Авесто»даги Дайтия») бўйларида мол боқиб яшаган ва ўз саховати туфайли авлиё даражасига кўтарилган. Хўжайли шаҳри яқинидаги қўрғонда ўша илоҳийлаштирилган «Жўмард қассоб» қабри бўлган.

Воҳа халқ оғзаки ижодида Каюмарс ҳақидаги мифлар муайян ўзгаришларга учраб, тобора мукаммаллашиб борган, локал хусусиятларни ўзида акс эттирган. Бу ҳолат қатор афсоналарни юзага келтирган. Шундай афсоналардан бири кўҳна Урганчда ёзиб олинган.

Халқ ўз хотирасида, эпик асарларида бу афсонани ҳамон асраб-авайлаб келмоқда. Риворят қилинишича, Жўмард оддий, лекин бадавлат, оқ кўнгил ва саховатпеша инсон бўлган. У одамларга текинга гўшт тақсимлаб бериш билан ном чиқарган. Навиширвон (сосонийлар сулоласидан Хуврав Анушервон) даврида яшаган Жўмард кундузи қассоблик қилиб, кечаси шоҳнинг яширин вакили сифатида унга қарши кишиларни билиб, саройга олиб келар экан. Афсонада Хушамшоҳ Жўмарднинг аждоди деб кўрсатилган, кейинги воқеалар у билан боғлиқ давом эттирилади.

Одамларга мол сўйишни биринчи бўлиб ўргатган ҳам Хушамшоҳ. Уни бир вақтлар девлар ўғирлаб кетган. Натижада 18 йил (тутқунликда) девлардан 72 хил машғулот — ҳунарни ўрганган эмиш. Бир куни девлар Хушамшоҳга ҳўкиз терисига ёпинишни буюради ва унга ҳўкиз сўйиш йўлини ўргатишади.

Хушамшоҳ ишининг давомчиси Жўмард эса Хоразм воҳасида биринчи бўлиб заргарлик, дурадгорлик, ғишт тайёрлаш, тоғдан олтин, кумуш ва бошқа металларни қазиб олишни йўлга қўйган эмиш. Афсона охирида Жўмарднинг ўз шогирди Уста Хурдак томонидан заҳар бериб ўлдирилгани айтилади.

Юқоридаги афсона кўп жиҳатлари билан Каюмарс ҳақидаги қадимий мифга ва Шарқ халқларининг эпик анъаналарига бориб тақалади.

Аввало, афсона қаҳрамонининг Жўмард деб аталиши ўқувчини ҳайратга солади, ўйлатади. Ҳақиқатда эса бу ном этимологик жиҳатдан Говамарт — (Гайомард)-нинг маҳаллий талаффузидир. «Гавомард» сўзи «ҳўкиз-инсон» маъносини билдириб, биринчи инсоннинг пайдо бўлишидаги илк тотемистик тушунчани ифода этади, бу эса афсонавий образ Жўмард характерига ўхшайди.

Жўмарднинг қассоб сифатида тасвирланиб, халққа кўпдан-кўп ҳунарлар ўрганишининг мифологик афсонавий заминда тасвирланиши ҳам характерлидир. Хусусан, қассоблик мотиви бу образни «Авесто»даги Гайомард (ярми ҳўкиз) образига жуда яқинлаштиради. Жўмарднинг олтин, кумуш ва бошқа жавоҳирларни ердан (тоғдан) қазиб олиш ҳунари талқинида эса Каюмарс танасидан металл пайдо бўлганлиги воқеасига ишорани кўриш мумкин. Бу мотив «Шоҳнома»даги Жамшид образида ҳам учрайди. Бу мифологик қаҳрамон Хушамшоҳнинг набираси сифатида тасвирланиб, у ҳам кишиларни ғишт пиширишга, бино қуришга, кийим тикишга ўргатади. Демак, бу хусусиятлар Жўмард образининг генетик жиҳатдан Жамшид билан ҳам яқин эканини кўрсатади.

Ҳамдам АБДУЛЛАЕВ,
профессор.

(Давоми бор).

Касаба уюшма спорти

Мудофаа вазирлигига қарашли жисмоний соғломлаштириш мажмуасининг муҳташам спорт зали икки кун мобайнида алпқомат полвонлар ва миллий кураш фидойилари билан гавжум бўлди. Бу ерда Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг кўчма кубоги учун миллий кураш бўйича II республика турнири ўтказилди.

МИЛЛИЙ КУРАШ: ҒАЛАБА НАШИДАСИ

Спорт залига кириб борар экансиз, беихтиёр байрамона безанган маскан диққатингизни тортади. Бу мусобақа ташкилотчиларининг турнирга пухта тайёргарлик кўрганлигидан далолат. Иштирокчилар — полвонларнинг юз-кўзларида куч-ғайрат, ғолибликка ишонч ва яна бироз ҳаяжон.

— Истиқлол йилларида кўплаб миллий қадриятларимиз қатори ўзбек кураши ҳам ўз қаддини тиклади. Ушбу спорт тури бўйича турли халқаро мусобақалар, жаҳон биринчиликлари ўтказилмоқда, — деди тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси Алишер Ғуломов турнир иштирокчиларини қутлар экан. — Ўйлаймизки, иккинчи маротаба ўтказилаётган мусобақалар жойларда ўзбек кураши ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

Дарҳақиқат, анъана тусини олган турнир тизимда хизмат қилаётган ходимлар ўртасида миллий курашни тарғиб этиш ҳамда меҳнаткашларни соғломлаштириш борасида муҳим рол ўйнаётир. Бинобарин, уч босқичда — ташкилот ва корхоналарда, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон республикаси ҳамда вилоятларда ўтказилган беллашувларда юзлаб ҳаваскор-полвонларнинг иштироки таъминланмоқда. Ғолиблар эса учинчи босқич республика миқёсидаги мусобақада ўз вилояти, корхонаси шарафини ҳимоя қилишмоқда.



Айтганча, турнир тўғрисида. Мусобақада уч ёш тоифасида — 73, 81, 90 килограммгача ҳамда 90 килограммдан юқори вазндаги полвонлар иштирок этиб, баҳслар чинакамига муросасиз ўтди. Ниҳоят, шахсий биринчиликларда барча вазн ва ёш тоифаларида ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Умумжамоа ҳисобида Қашқадарё вилояти вакиллари биринчи, бухороликлар иккинчи, пойтахт вилояти полвонлари учинчи ўринни эгалладилар.



Ғолиб ва совриндорлар тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси томонидан таъсис этилган фахрий ёрлиқ, медал ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Турнирнинг кўчма кубоги қашқадарёлик полвонларга насиб этди. Шунингдек, мусобақанинг ҳар бир иштирокчисига эсдалик совғалари топширилди.

Турнир якунида иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён этдилар.

Рўзиқул Бекмуродов, Қашқадарё вилояти ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Полвонларимиз ўтган йилги турнирда ҳам совриндорлар сафидан жой олишга муваффақ бўлгандилар. Б.Бойназаров, А.Жўрақобилов, А.Муқимов, А.Нарзуллаев, Э.Сафаров, Б.Ражабов, Қ.Акбаров, Р.Маҳмудовларнинг беллашувларда муваффақиятли иштирок этиши ва шоҳсупага кўтарилиши II республика турнири ғолиби бўлишимизга замин бўлди.

Заит Ешмурадов, Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот нефт базаси оператори:

— Жудаям хурсандман. Чунки 90 килограммдан юқори вазнда қатнашиб, биринчи ўринни эгалладим. Биласизми, ўтган йилги мусобақаларни ҳам томошабин сифатида кузатгандим. Шунинг учун ҳам қувонч билан айтишим мумкинки, бу йилги турнир аввалгисиданда яхши ўтди. Тилагим, анъанавий бўлиб қолган бу турнир келгусида бундан ҳам қизғин, қизиқарли ўтсин.

Илҳом Халиков, Амударё тумани:

— Бугун жаҳонда миллий кураш кенг қулоч ёзмоқда. Кўплаб республика ва халқаро миқёсдаги мусобақалар зўр муваффақият билан ўтказилмоқда. Эзгу ниятим, ана шундай беллашувларда иштирок этиб, чемпион бўлиш...

Ўрни келганда мусобақа ташкилотчиларига бир мулоҳазамизни, таклифимизни билдиришни жоиз деб топдик. Муросасиз ўтган мусобақаларни фақат полвонлар ва ташкилотчиларгина кузатишди, холос. Бизнингча, агар ташкилотчилар тарғибот-ташвиқот ишларига ҳам бироз эътибор қилсалар, спорт зали ишқибозлар билан гавжум бўларди.

Камол ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири.
И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Ғолибларни қутлаймиз

ОНАСИ АРДОҚЛИ, БОЛАСИ СУЮКЛИ ЮРТ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номли Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти вилоятдагина эмас, мамлакатимиздаги йирик тўқимачилик ва енгил саноат корхоналаридан биридир. Ҳиссадорлик жамияти бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси хотин-қизларни иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилиш, улар ўртасида маданий-маърифий тадбирларни ўтказишга катта эътибор бермоқда.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Онаси ардоқли, боласи суюкли юрт» деб номланган кўрик-танлов ҳам ана шундай маърифий тадбирлардан бири бўлди.

Ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг саъй-ҳаракати билан ташкил этилган кўрик-танловда ҳиссадорлик жамиятининг турли тизимларида меҳнат қилаётган ишчилар, муҳандис-техник ходимлар иштирок этдилар. Йигирув фабрикаси сифат назоратчиси Гулнорахон Эргашева, тўқув фабрикаси сифат назоратчиси Насибахон Мўминова, тўқувчилик фабрикаси чевари Моҳидилхон Мамажонова, пардозлаш фабрикаси ҳисобчиси Ғулнорахон Холмирзаева каби ишда илғор, ташаббускор хотин-қизлар жамиятда, оилада, фарзанд тарбиясида аёлнинг ўрни мавзуида ўзаро баҳслашдилар. Кўрик-танлов Оналар ва болалар йилида ўтказилаётганлиги боис баҳсларда ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари ҳам қатнашдилар.

Кўрик-танлов иштирокчилари адабиётга, санъатга ихлосманд эканликлари билан бирга пазандалик маҳоратларини ҳам намойиш этдилар. Ҳиссадорлик жамияти қошидаги «Довруғ» ансамбли иштирокчилари, хушовоз хонанда Шоҳсанамхон Алихонова ижросидаги қўшиқлар даврага файз киритди.

Ғолиб ва совриндорларга фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо мукофотлар, эсдалик совғалари топширилди.

Муҳаммаджон КАРИМОВ.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Самарқанд тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси

Даврон АҲРОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Ўзбекистон кимё саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг собиқ раиси Н.Қосимовга падари бузруквори

ТЕШАБОЙ отанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.05

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6